

Бўлажак ўқитувчида нутқий маданиятни ривожлантириш усуллари

Т.ЗИЁДОВА,
ГулДУ доценти

Педагогик йўналишдаги олий ўқув юртларида бўлажак ўқитувчини тайёрлашда педагогика, психология, дидактика, методика фанларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Лекин талабада ўқитувчи нутқи маданияти(ЎНМ) ихтисосий нутқ меъёрларининг эгалланиши ва ривожланиши учун ажратилган соатлар, амалдаги технологик ёндашув ХХІ аср ўқитувчисига қўйиладиган ижтимоий талабларга тўла жавоб беради деб бўлмайди.

Педагогик фанларни ўрганишнинг турли давр ва босқичларида ўқитувчи нутқ маданияти таълим, тарбия, ўқув жараёнидаги муҳим зарурий элемент ҳисобланган. Мазкур муаммонинг ечими қатор объектив шарт-шароитлар (сиёсий, ижтимоий, иқтисодий), муайян тарихий давр талабига қараб ўзгаради ва белгиланади

Ҳозирги тараққиёт талаблари, жамиятнинг ижтимоий-интегратив ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда биз шундай хулосага келдикки, ЎНМ ҳам интегративлик хусусиятига эга. Юқоридаги фикрга асосланиб, ўқитувчи нутқи маданиятига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Ўқитувчининг нутқий маданияти ўқитувчи-субъектнинг ихтисосий компетенцияси, интегратив тасаввур ва тафаккур қобиляти, маданий мулоқот соҳасидаги маҳорати даражасини белгилаш, турли нутқий вазиятлар, муаммоли масалаларнинг ижобий ечимини таъминлаш, ўқувчи-субъектга психолингвистик таъсир ўтказишнинг ишончли куролидир.

Бўлғуси ўқитувчида бундай интегратив нутқ сифатларни ривожлантириш узоқ ва машаққатли жараён бўлиб, у кўпгина ўзига хос таркибий-функционал компонентларни ўзида мужассамлайди ва тавсия қилинаётган технологиялар асосида, босқичли тизимда амалга оширилади.

ЎНМ ривожини таъминловчи технология қуйидаги методологик талабларга жавоб бериши лозим (қаранг 1-жадвал):

1-жадвал.

Методологик талаблар номи	Методологик талаблар тавсифи
Концептуаллик	Бўлажак ЎНМни ривожлантириш технологияси таълим мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологик, дидактик ва ижтимоий-педагогик асосларини ўз ичига олган илмий концепцияларга таяниши лозим.
Тизимлилик	ЎНМни ривожлантириш технологияси таълимий тизимнинг барча белгиларига эга бўлиши: жараённинг мантикийлиги, барча компонентларнинг ўзаро боғликлиги, яхлитлиги, уйғунлиги таъминланган бўлиши лозим.

Босқичлилик	Ишлаб чиқилган технологик жараённинг изчиллик ва босқичлилик принципларига амал қилиши.
Бошқарувчанлик	Тарбиявий мақсад, бўлғуси ЎНМнинг шаклланиш жараёнини лойиҳалаш, натижаларни босқичли диагностик таҳлил қилиш имкониятининг мавжудлиги..
Таркиблилик	ЎНМни амалга оширишнинг узлуксизлик, тушу-нарлилиқ, вариативлик принципларига асосланиш.
Алгоритм	Алгоритмлилиқ-ЎНМнинг барча компонентлари ва босқичларининг изчил, қадам ба қадам амалга оширилиши.
Эффективлик	Сарфланган моддий ва маънавий харажатларнинг қопланиши, ихтисосий нутқнинг такомиллашиб бориши, нутқий маданиятга эришишнинг қафолатланиши...
+айта фойдаланиш имконияти	Нутқий маданиятни ривожлантириш технологиясидан таълимий мақсадларда қайта фойдаланиш имкониятлари, усул ва воситаларининг мавжудлиги...

ЎНМни ривожлантиришнинг қуйидаги компонентлари мавжуд:

1. *Мотив- мақсад*-берилган нутқий вазият ечими жараёнини мотивлаштириш, самарали мулоқот учун қулай шарт- шароит яратиш (танлаш);

2. *Мазмундорлик*

3. *Диагностик таҳлил*

4. *Жараёнийлик*

5. *Ташиқлотчилиқ- фаоллик*

6. *Натижалар баҳолашдаги тезкорлик*

Бўлажак ўқитувчида нутқий маданиятни ривожлантириш муаммоси ечимини топишнинг ишончли усул ва методлари сирасига психолингвистик тест ва тренинглар, мустақил ишлар, психологик тренинглар киради. қуйида психолингвистик тренинглардан намуналар берилди.

1. **“Нотиклиқ санъати”** тренинги.

Биринчи фасл. қатнашчилардан бири аудиторияга қараб, 1 дақиқа давомида тайёрланган матнни ҳикоя қилади. Бошқалар диққат билан тинглайди ва ижрочини қарсақлар билан олқишлайди. Кейин эшитувчилардан бири чиқиб, ҳикояни ўзича давом эттиради. Яна қарсақлар, минбардаги ўрин навбат билан алмашилади, ҳикоя давом этади ... Ҳикояни давом эттиролмай қолган иштирокчи мағлуб бўлади.

Иккинчи фасл. Гапирувчи ўтиради, эшитувчилар тик туришади. Тренингдаги нотиклиқ фаолияти аввалги фаслга ўхшаш ҳолда такрорланади.

Учинчи фасл. Нотик тик туриб ваъз ўқийди, қолган талабалар ўтириб тинглашади (очиқ маъруза). Минбардаги ўрин навбат билан алмашилади, ҳикояни давом эттиролмаган гуруҳ ютқазади

Тўртинчи фасл. Ҳамма тик оёқда туради. Аввалги фасллардан фарқли жиҳати сўзлаётган нотикни ҳеч ким тингламайди, ўзаро суҳбатлашиб туришади. Нотикнинг вазифаси тингловчиларга эътибор қилмай, ўз нутқини

давом эттириш ва тугаллаш (1, 1,5 дақиқа)дан иборат. Тингловчини тартибга чақирмай, ўз маърузасини ўқиган, маъруза орқали бошқалар диққатини ўзига жалб қила олган нотик ғолиб саналади.

2. “Ижодий танқид” тренинги.

1- фасл. МАНБА//ИЗОҲ. Бунда талаба ўзи ёзган ёки ёдлаган насрий ёки назмий матнни гуруҳ олдида ифодали ўқийди. Матнни бадиий таҳлил қилади. Нотик матн мазмунини очиб бериши, ишлатилган (қофиядош) сўзларни шарҳлаши, маънодош сўзларнинг танланиш сабаби, унинг муқобиллари ва уядошларидаги луғавий даражаланиш сифати, бадиий бўёқдорликнинг ўзгариб бориши ҳақида ижобий фикр билдиради.

2- фасл. МАНБА//ИЗОҲ//ТАНҚИД. Бу фаслда тингловчилар томонидан экрандаги манбанинг услубий нуқсонлари кўрсатилади. Матнни равонлаштириш, такомиллаштириш заруриятининг мавжудлигини, факт ва далиллар, аввалгидан яхшироқ муқобил сўз(қофиядош)ларни келтириш орқали исботлашга ҳаракат қилинади.

3-фасл. Бу фасл муаллиф (нотик) учун берилган имконият. Унда нотик ўзи келтирган ижобий таҳлилнинг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилади. Фойдаланилган манбадаги адабий меъёр, қофиядошлик, вазн, бўғинлар сони ҳақида қўшимча ахборот беради. Сўз танлаш ва уни ўринли ишлатишдаги маҳоратни, ютуқларни ажратиб кўрсатади.қолган иштирокчилар матннинг услубий таҳрири билан шуғулланадилар.

4-фасл. Экранга таҳрир қилинган матнлар чиқарилади. Энг яхши услубий таҳрир қилинган матн муаллифи ғолиб бўлади. Агар таҳрир қилинган матнлар, аввалги матндан пастроқ даражада бўлса, меъёрий талаблар бузилган бўлса, ғолиблик чамбараги нотикнинг ўзида қолади.

Юқорида келтирилган бўлажак ўқитувчида нутқий маданиятни ривожлантириш муаммосининг янги ечимлари, интегратив технологияси, метод ва усуллари топиш ва педагогик таълим амалиётига жорий этиш шу куннинг кечиктириб бўлмас, долзарб вазифаларидан ҳисобланади.